

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

АДАБИЁТГА БАХШИДА УМР

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2009

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	<i>У.Тешабоева</i>
Муҳаррир	<i>Ж.Пардаев</i>
Масъул муҳаррир	<i>А.Ирисбоев</i>
Матн терувчи	<i>З.Джалилова</i>

Адабиётга бахшида умр: Метод. -библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи У.Тешабоева; Муҳаррир Ж.Пардаев; Масъул муҳаррир А.Ирисбоев. — Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2009. —

ББК 78.342(5Ў)+83.3(5Ў)

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг илмий ва ижодий ҳаёти ўзбек адабиётшунослигининг ёрқин саҳифаларидан ҳисобланади. Унинг адабий-илмий мероси ўқувчини адабиётнинг сеҳрли оламига олиб киради, гўзаллик жозибаси ва қудратига ишонтиради. 2009 йил ўзбек адабиётининг ҳақиқий билимдони, олим, танқидчи, таржимон, устоз Озод Шарафиддинов таваллудига 80 йил тўлади.

Ушбу методик-библиографик қўлланма Озод Шарафиддиновнинг бой илмий меросини ўрганиш ва уни тарғиб қилишда ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари, кутубхона ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилди.

СЎЗ БОШИ

Озод Шарафиддинов ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўзининг ҳаққоний сўзи, ирода ва матонати билан юртдошларимизга, авваламбор ёшларимизга ибрат бўлаётган, том маънодаги маърифатпарвар инсондир.

Ислом Каримов

Агар адабиётимиз тарихи ўзанидан туриб, яқин юз йилликка назар ташласак, жуда кўп қаламкашларнинг номларига кўзимиз тушади. Улардан ҳеч бирининг хизматларини сира ҳам камситмаган ҳолда айтиш мумкин-ки, кейинги эллик йил ичида фаолият кўрсатган адабиётшунослар, публицистлар силсиласида Озод Шарафиддиновнинг номи алоҳида бир чўққи янглиғ кўзга ташланиб турибди.

Киши исмига тортади деган таъбир — доно ҳикмат. Озод Шарафиддинов Ўзбекистон ва ўзбек адабиётининг XX аср тарихида чинакамига ўз шахси, ўз дунёқараши, ўз эътиқоди, ўз истеъдоди, ўз имкониятлари озодлигини бир бутун такрорланмас ҳодиса деб билган, бу юксак қадриятлар тақозо этадиган машаққатлар юкига елкасини оғринмай тутган, бир зум эл назаридан четда эмаслигини ҳис этиб яшаган алломалардан.

Ҳазрат Маҳмуд Қошғарий қомусини туркий тилда тузиб кетган, Юсуф Хос Хожиб ва Навоий руҳий қудрати билан буюк маънавий обидалар яратилганидан кейин асрлар ўтиб Мавлоно Абдулла Қодирий қаламидан дилбар наср дунёга келгани ҳаммага аён. Ана шу силсилада давр тақозоси билан узилиш содир бўлганида Озод Шарафиддинов деган мунаққид дунёга келиши табиий эди. Гап шундаки, Одил Ёқубов насри ва Абдулла Орипов назми янги бир авлод дунёга келганини исботлаши учун уларни назорат — таҳлилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш керак эди. Ана шу залворли юкни зиммасига олган адабий танқидчимиз ўзбек адабиёти силсиласида узилиш бўлмаслиги учун курашди, масъулиятини тенгдошлари билан баҳам кўрди, ранг-баранг асарларни қўллаб-қувватлади, жавобини ололмаган саволларига жаҳон адабиёти ва фалсафаси уммонидан талқин излади, нималарнидир топгандек бўлди. Қарабсизки, нафақат 60-йиллар

авлодлари қолаверса, янги авлодлар ҳам Озод Шарафиддинов нуқтаи назари билан ҳисоблашадиган бўлди. Бунинг боиси аллома яратган мақолалар ва асарлар наинки адабий, шунинг баробарида фалсафий танқид эди.

Озод Шарафиддинов адабиётнинг бош вазифаси Олам, Инсон ва унинг қалбини тасвирлаш деган азалий қадрият, яъниким бағри бутунликда эканлигига содиқ қолди.

Озод Шарафиддинов ижод қилган каттакон даврда ўзбек адабиётида жаҳон адабиёти талабларига жавоб бера оладиган бир талай асарлар яратилди. Шуҳрат, Саид Аҳмад, Шукрулло, уларнинг изидан келган Пиримқул Қодиров ва Одил Ёқубов, сўз санъатимизга янги қон бўлиб қўшилган Ўткир Ҳошимов ва Шукур Холмирзаев, шеъриятимиз уфқларини кенгайтирган Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов сингари ўнлаб, юзлаб ижодкорлар бири-бирига ўхшамаган, бетакрор асарлар яратдилар. Шунда Озод Шарафиддиновнинг “Истеъдод — Халқ мулки” деган ибораси мағрур жаранглади. Унинг ютуқларидан қувонган мунаққид ҳар бир яхши намунасини китобхон аҳлига яқинлаштирди, ижодкор назарда тутмаган жиҳатларини кашф этди, халқ фарзандларини адабиётни тушунишга ўргатди.

Озод Шарафиддинов истеъдодини, келажақда катта ижодкор олим бўлишини Абдулла Қаҳҳордек улуг, халқимиз севган адибимиз кўра билган ва меҳр қўйиб, бағрига олган эди. Абдулла Қаҳҳор суҳбатларининг бирида Озод Шарафиддиновни тилга олиб: “Шундай ёзмақ керакки, носфуруш сенинг китобинг саҳифасига нос ўраб сотган бўлса, уйида уни очиб, матнига кўзи тушган одам: “Ие, бу Озоднинг гаплари-ку”, дея саҳифани эҳтиёт қилиб, олиб қўйсин”.

Бу ҳақ гапни тан олган ва қадрлай билган Озод Шарафиддинов “... бундек мукамал ёзмақ учун, бу даражада баркамол санъат намунасини яратмоқ учун ижодкор Абдулла Қаҳҳордек меҳнаткаш бўлмоғи лозим. Бу эса ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Фақат ўз Ватанини жон дилидан яхши кўрган, ўз халқини ҳар томонлама баркамол кўришни истаган, кўксида истиқлол ёлқини барқ уриб турган санъаткоргина бу бахтга мушарраф бўлади”, деб қайд этган эди. Устозни бундай улуглаш ва уларга таъзим қила билиш учун Озод Шарафиддиновдек адабиётшунос бўлиб етилмоқ керак.

Озод Шарафиддинов одил инсон, заҳматкаш олим, меҳрибон падар сифатида бу ёруғ дунёда муҳташам из қолдирди. Ўзидан ўлмас ижодий мерос қолдирди. Бу ижод наинки бир инсоннинг, балки бутун бир миллатнинг фахру гурури бўла оладиган ижоддир, ўзбек

халқининг, миллатимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажигига даҳлдор ижоддир.

“Замон”, “Қалб”, “Поэзия”, “Яловбардорлар”, “Истеъдоджилолари”, “Биринчи мўъжиза”, “Адабиёт — ҳаёт дарслиги”, “Чўлпонни англаш”, “Ижодни англаш бахти”, “Давондаги ўйлар” каби адабий-танқидий рисоалари чоп этилди. Умуман олганда, Озод Шарафиддинов яратган адабий меросни сарҳисоб қиладиган бўлсак, алоҳида чоп этилган асарларининг ўзи — 28 тага, вақтли матбуотдаги мақола ва суҳбатлари 385 тага етади. Тўпламлардаги мақолалар, кириш сўзлар, сўзбоши ва сўнгсўзлар 50 дан зиёд, таржима асарлари эса 150 тага яқин. Олимнинг раҳбарлигида 29 киши номзодлик диссертациясини ёқлади.

Озод Шарафиддинов фикрат ибрати, жасорат ибрати, таъб ибрати, заковат ибрати сингари бир қанча ибратларни ўзида мужассамлаштирган алломаларимиздан эди. Суянадиган Маърифат бўлганидан кейин шундай бўлиши табиийдир.

Устоздан минглаб шогирдлар қолди. Бу шогирдлар нафақат Ўзбекистонда балки бизга маълум бўлган барча минтақаларда домла ўргатган илм байроғини баланд кўтариб, чирогларини ёқиб келаётир.

Ушбу методик-библиографик қўлланма XX аср ўзбек адабий муҳиtida ўз ибратли шахсияти, мустаҳкам эътиқоду дунёқараши билан зиёлиларимизнинг бутун бир авлоди учун намуна бўлиб танилган аллома Озод Шарафиддинов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан тузилди.

Республика ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари Озод Шарафиддиновнинг ижодий фаолиятини яқиндан ўрганиш ва тарғиб қилишлари лозим.

ЖАСОРАТЛИ СЎЗ СОҲИБИ

Замонавий бадиий тафаккуримиз ривожда ўчмас из қолдирган, ҳамиша барҳаёт сиймо сифатида тан олинган Озод Шарафиддинов номи доимо юксак эҳтиром билан тилга олинади. Президент Ислон Каримов айтганидек, кейинги етти-ўн йил давомида теран фикр-лайдиган, аҳли дониш кишилар кўзга яққол ташланиб қолди. Шундай кишилардан бири профессор, Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Мустақил Ўзбекистоннинг фахрий нишонларидан — “Буюк хизматлари учун”, “Меҳнат шухрати”, “Ўзбекистон Қаҳрамони”нинг соҳиби Озод Шарафиддиновдир. Минбарларда, шогирдлар ва дўстлар даврасида адабий бахслар ва мунозараларда ўзига хос фазилатларга — тўғрисиёзлиги, мурасасизлиги, билимдонлиги, ҳаётдаги ва адабиётдаги ҳар бир ҳодиса, ҳар бир ижодкор, турли замонларга мансуб санъаткорлар ва асарлар хусусида ўз фикри, ўз талқини ва танқидий қарашлари бор инсон сифатида такрорланмас шахс Озод Шарафиддиновдир.

Озод Шарафиддинов 1929 йил Қўқон шаҳрида таваллуд топди. Тошкентда ўрта мактабни олтин медаль билан тугатди ва Тошкент Давлат университетининг филология факультетида, сўнгра Москвадаги жаҳон адабиёти институти аспирантурасида таҳсил олди. Академик Матёқуб Қўшжонов эслайди: “Минг тўққиз юз эллик бешинчи йилнинг апрель ойи. Максим Горький номидаги жаҳон адабиёти илмий-тадқиқот институти. Москванинг етакчи адабиётшунос олимлари институт залига йиғилган. Минбарда ёши эндиgina 26 га тўлган, ўрта бўйли, хипча гавдали, қорапаранг, қирғий бурун йиғит. У “Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек дostonчилиги” мавзuida номзодлик диссертациясининг мазмуни хусусида маъруза қилаяпти... У йиғит эндиликда таниқли адабиётшунос, мунаққид бўлган профессор Озод Шарафиддинов эди”.

Москвадаги таҳсил О.Шарафиддиновга жуда кўп нарсани ўргатди. Биринчидан, у адабий ҳаётни ҳис қилди, адабий учрашувларда мунтазам қатнашди, газета-журнал таҳририятларида бўлди, кўплаб ёзувчилар билан танишди.

“Бизнинг танглайимизни Ғафур Ғулом шеъри билан кўтаришган, — деб ёзади Озод Шарафиддинов “Дарёдил шоир” бадиасида. — Менга тенгқур авлоднинг руҳий олами, маънавий дунёсини Ғафур Ғуломсиз тасаввур этиш мушкул. Ғафур Ғулом бўлмаганида бу олам

анчагина гариб, кемтик бўларди”. Мана шу қисқа, лўнда фикрда Озод Шарафиддиновнинггина эмас, унга мансуб авлодининг, қолаверса, Ғафур Ғуломдай ижодкорлар авлодининг моҳияти англашилади. У адабий танқид даргоҳига қадам қўйган кезларда ўзбек адабиёти деб аталган бир бутун воқелик тўртала каттакон шўъбада ҳар бири ўзича яшаётган эди. Булар, биринчидан, худди фольклор сингари зарур бўлгандагина мурожаат этиладиган мумтоз адабиёт. Иккинчидан, қатағон этилган XX аср сўз санъаткорларининг ҳали халқ ёдидан чиқмаган ёки нашриётлар тортмаларида қолиб кетган асарлари. Учинчидан, ҳар куни газета ва журналларда чоп этилаётган, қатағон бўронидан эгилган, мафкура жазирамасида қовжираган ўта сиёсатлашган совет кишисини ўзбек танаси ва тимсолида тасвирловчи асарлар ва ниҳоят, тўртинчидан адабиётга эндигина кириб келаётган навқирон ижодкорларнинг асари. Фолькор ва мумтоз адабиёт соф адабиётшунослик мавзуси бўлгани боис мунаққидимиз охирида саналган ўтасига мурожаат этишга интилган. Аммо... Бутун бахт-содатини ўзligидан йироқ кетганича жамоавийликда, зўравонларча сингдирилган мафкура таъсиридаги совет кишиларига хос ажобтовур маҳдудлик ва қайсарликда деб билмагани, ҳар бир хатти-ҳаракати алалоқибат Ватан ва ўзликка бориб тақалгани боис Абдулла Қодирий ёки Чўлпон яратган бадий оламга мурожаат этиш имкониятлари чекланган эди. Бу бадий оламга мурожаат этиш имконияти тугилишини роппа-роса қирқ йил кутган Озод Шарафиддинов замондошлари билан, уларнинг янгидан-янги асарлари билан ҳамнафас яшади, ажойибларини қувватлади, ҳотамтоёна қўллаб-қувватлади, арзимасларини аямади, шафқатсиз чипакка чиқарди. Вақт муқаррар қилиши мумкин бўлган ишга эш бўлди.

Танқидчининг билимдонлиги, яхши асардан завқланиши жаҳон халқларининг адабий картасини қийналмай “ўқий олиши” масаланинг бир томони. У билганларини адабий жараёнга татбиқ қила олиши, ўз йўналишини изчиллик билан давом эттириши, муҳими, нуқтаи назари ҳаётда қўлланилаётганига ишонч ҳосил қилиш керак. Бошқача айтганда, танқидчи истеъдодининг юзага чиқиши, амалда қўллана бошланиши муҳимдир. “Танқидчининг кучи, танқидчининг қадри унинг адабий жараёнга таъсири билан белгиланади, — деб ёзади О. Шарафиддинов “Танқидчилик касби ҳақида” мақоласида. — Адабий жараёнга таъсир кўрсатиш учун танқидчи ғоят чуқур, ғоят салмоқли, далилли фикрлар, муаммолар, мулоҳазаларни ўртага ташлаши керак. Фикр эса ғойибдан ҳосил бўлмайди. Фикр билимнинг ҳосиласи”.

Озод Шарафиддинов танқидчилик муаммоларига ҳам кўп тўхталиб ўтганлар. Танқид — бу адабиётдаги гўзалликни кашф этиш, ада-

биётнинг бадиийлигини аниқлаш, инсонга таъсир қиладиган эстетик омилларини белгиловчи санъат. У ўзбек адабий танқидчилигига муносабат билдириб, унинг ривожланиши учун тўсиқ бўлаётган бир қатор иллатлар хусусида сўз юритишганлар. Масалан, энг катта камчилик — вульгар социологизм усулига керагидан ортиқ маҳлиё бўлиш.

“Социологик таҳлил осон — уни амалга ошириш учун унчалик жон куйдирмасдан — асарнинг мавзусини, мазмунининг асосий нуқталарини айтасанда, ўшанга яқин ҳаёт воқеаларига солиштирасан, сўнг ўзининг бир-иккита ”доно” хулосаларини айтасан, муаллифга қаерни тузатиш, қаерни кучайтириш, қаерни олиб ташлаш тўғрисида “қимматли маслаҳатлар” берасан, тамом-вассалом. Лекин бунақа “танқид”дан на китобхонга, на ижодкорга фойда бор”. Шу билан бирга, “танқиднинг бу шаклига мурожаат қилишга мажбур этидиган сабаб — билимнинг саёзлиги, савиянинг пастлиги”, дея куйиниб ёзади адабиётшунос.

Озод Шарафиддинов ўз ижодида танқидчиларни огоҳлантириб, таҳлилда бир ёқламалик, бир хилликдан, схематизмдан қочишга ундарди. Масалан, “... айрим ўринларда муҳаббат зўрайиб кетиб (Чўлпонча), объективликка путур етказиб қўяётганга ҳам ўхшайди. Биз баъзан... Чўлпонни идеаллаштиришга, ўзи яшаган заминдан олиб, замонавийлаштиришга ҳаракат қиляпмиз... аввалари Чўлпон фақат қораланиб келган бўлса, эндиликда уни салкам фаришта сифатида кўрсатишга интилмоқдалар”.

Ваҳоланки, буюк Чўлпон ҳақида ҳам фақат бир томонлама фикр юритиш катта хатоликка йўл қўйиш бўлади. Озод Шарафиддинов айтганларидек, “ҳақиқий истеъдод эгаси ҳеч қачон жўнгина формулага тушадиган юзаки одам бўлмайди”.

Олим қайси ижодкор асарини таҳлил қилмасин (хоҳ ёш ёзувчи бўлсин, хоҳ тажрибали)— бу ижодкорнинг асарларини гўё ўз лабораторияси объектига айлантирар, ўзи ҳам ҳар биридан сабоқ, маънавий озуқа олишга ҳаракат қилар эдилар. Танқидчиликнинг вазифасини ижодкорга фақат ақл ўргатишда, фақат кўкка кўтариб ёки ерга уришда эмас, асарлардан бадиийликни ахтаришда деб билар эдилар. Ана шундай жараёнлар ичида Озод Шарафиддинов тафаккурининг диапазони ҳам кенгайиб, тушунчаси ривожланиб борган. Зеро, умри давомида сон-саноксиз асарларга муносабат билдирган бўлсалар, уларнинг ҳеч қайсиси тасодифий асарлар бўлмаган. Қайси ижодкор хусусида тўхталмасинлар — Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Гулом, Зулфия, Саид Аҳмад ҳар бир ёзган мақолаларида уларнинг нафаси сезилиб турар эди.

Ҳар бир адабий турнинг етакчи жанри бўлганидай, адабий-бади-

ий танқиднинг ҳам машҳур қадимий жанри бор. Бу — адабий-танқидий портрет бўлиб, уюштирувчи, қолипловчи хусусиятга эга. Мукаммал адабий портрет таркибида тақриз, шарҳ, бадиа, баҳс сингари шакллари фарқлаш қийинмас. Танқидчи адабий жараёнга таъсир этиш — тақризлар, шарҳлар, мақола ёзиш, баҳсга киришиш, суҳбатлар қуриш билан бирга йирик жанрдаги асарнинг пойдеворини қуриб, материалларини йиғиб боради. Озод Шарафиддинов умри давомида юзлаб мақолалар, тақризлар, шарҳлар ёзди. Ўзбек адабиётининг ўсишида истеъдодли шоир ёзувчиларнинг кашф қилинишида, ижодкорлар маҳоратининг ўсиб боришида, тўлақонли характерининг вужудга келишида, танқидий асарларнинг ҳиссаси улкан. Олим ўз мақола, тақризларини умумлаштириш — йирик илмий назарий тадқиқотлар ва мукаммал адабий портретлар яратиш йўлини танлади, ҳамда етук ижодкорлар портретини яратишда унинг мақола-портретлари ўзига хос ўрин эгаллайди. Мунаққид яратган портретлар ўзининг тақдорланмас жозибадор, ширали тили билан ажралиб туради.

Унинг “Яловбардорлар” (1974) китоби ўн беш улкан ёзувчининг ёрқин қиёфасини гавдалантиради. Муаллиф “Яловбардорлар”даги адабий портретларни “биографик очерклар” деб айтади. Аммо уларда бирор адибнинг ижоди тўғрисида сўз очилар экан, унинг босиб ўтган йўли учун ҳар жиҳатдан характерли асарлари танлаб олинади, шу асосда санъаткорнинг ижодий йўли, тақдири ўзига хос ёзувчилик дунёси, қайтарилмас услуби, қисқаси, бетақрор қиёфаси, адабиёт тараққиётида тутган ўрни кўрсатиб берилди. Булар эса адабий портрет жанрининг асосий хусусиятлари ва талабларига мос келади.

Озод Шарафиддиновнинг “Истеъдод жилолари” китоби ҳам адабий портретлардан ёки уларнинг чизгиларидан иборат. Бу тўпламга XX аср ўзбек адабиёти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган, энг истеъдодли ёзувчилар ҳақидаги мақолалар киритилган. Ҳар бир китобхон Садриддин Айний, Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов каби ёзувчиларнинг ижодлари ҳақида бой ва ёрқин таассурот олади. Олимнинг ушбу китоби ўзбек адабиётшунослигининг 70-йилларидаги ютуғи ҳисобланади. У адабий жараён раванқига кучли таъсир кўрсатди.

Озод Шарафиддиновнинг сўнгги йилларда эълон қилинган қўплаб асарлари ҳам унинг ўзбек танқидчилигида моҳир портретнавис даражасига қўтарилганлигидан ва илгариги мақолаларида кўзга ташланган нуқсонларнинг аксариятидан қутула борганлигидан далолат беради. Жумладан, муаллиф сўнгги вақтларда Абдулла Қаҳҳор, Чўлпон, Мустафо Чўқай ва Отажон Ҳошим каби адибларнинг мазмундор

портретларини яратдики, улар муаллифнинг бадиий асарларини ҳаққоний баҳолаш, ижодий жараёнини тўғри ёритиш ва адабиёт намуналарини теран ҳамда янгича талқин қилиш санъати низоҳатда юксалганлигини кўрсатади. Айниқса, сўнгги йилларда эълон қилинган “Чўлпон” китоби мунаққиднинг адабиётшуносликка қўшган улкан ҳиссаси ҳисобланади. Бу китоб шоир Чўлпоннинг танқидчиликда яратилган биринчи адабий портрети бўлиб, муаллифнинг мазкур санъаткор ижодини халққа қайтариш йўлида чеккан чексиз заҳматлари ва буюк хизматининг самараси сифатида дунёга келган. Китобда муаллиф ўз олдида энг аввало, Чўлпон ижодини халққа қайтариш, қутлуғ номини ва адабиётдаги ўрнини тиклаш мақсадини кўяди. Бунинг учун у асосий эътиборини икки муҳим масалага қаратади. Биринчидан, танқидчи 30-йилларда Чўлпон буткул ноҳақ айбланганлигини, унинг ижодида миллатчиликдан асар ҳам йўқлигини исботлайди. У Чўлпоннинг миллатчи ва “халқ душмани” сифатида қораланиши мутлақо асоссизлигини ҳеч бир шубҳа қолдирмайдиган даражада очиқ бериш учун ирқчилик, миллатчилик билан миллатпарварлик орасидаги фарқлар ҳақида ўринли ҳамда қизиқарли мушоҳада юритади. Мунаққид мушоҳадаларидан англашилишича, Чўлпон асарларида миллатчиликдек даҳшатли иллатдан ном-нишон ҳам учрамайди, балки унинг ижоди самимий миллатпарварлик, яъни ўз халқи тарихидан, буюклигидан фахрланиш руҳи билан суғорилгандир.

Иккинчидан, танқидчи Чўлпон ижодининг халққа қайтарилиши зарурлигини унинг ҳақиқий улуг санъаткор ва буюк истеъдод соҳиби бўлганлиги билан исботлайди. Бунинг учун у ўз китобида Чўлпоннинг ҳаёт ва ижод йўлини кўп томонлама қамраб олишга, адибнинг ёрқин сиймосини гавдалантиришга ҳаракат қилади. Натижада, Чўлпоннинг таржимаи ҳоли ва асарларининг гоёвий-бадиий хусусиятларига оид кўплаб янги қарашлар, кузатишлар, талқинлар ва умумлашмалар илгари сурилади. Танқидчи аниқлашича, узоқ вақтлар мобайнида ҳатто Чўлпоннинг туғилган йили ҳам халққа аниқ маълум бўлмай қолган экан. Сон-саноқсиз архив материалларини ўрганиш, Чўлпоннинг ўз қўли билан ёзилган ҳужжатларини топиш орқали О.Шарафиддинов шоирнинг 1897 йилда туғилганлигини ишонарли тарзда исботлаб беради. Шу тариқа китобда Чўлпоннинг деярли бутун ҳаёти йўли манзаралари турли хилдаги далиллар, ҳужжатлар ва хотиралар асосида жонлантирилади. Фақат танқидчининг хизмати Чўлпон биографиясини тиклаш билангина чекланмайди.

“Чўлпон” китобининг энг қимматли томони шундаки, унда адибнинг бутун ижод йўли изчил тарзда қамраб олинган бўлиб, ёзувчи

насри, лирикаси, драматургияси ҳамда адабий-танқидий қарашлари тўғрисида илк бор яхлит ҳаққоний маълумот берилган. Адибнинг ижодий йўлини ёритар экан, мунаққид Чўлпоннинг заифгина насрий машқларидан буюк шоир даражасига кўтарилишидаги тадрижий ривожини кўз ўнгимизда яққол гавадалантиради. Бунинг учун у Чўлпоннинг кўплаб асарларини, хусусан, шеърларини, “Кеча ва кундуз” романи ҳамда “Ёрқиной” драмасини ҳозирги замон танқидчилигининг энг самарадор методлари асосида таҳлилдан ўтказди. Янгича талқин эса ўз-ўзидан Чўлпоннинг XX аср бошларидаги энг улуг ўзбек шоири эканлиги тўғрисидаги хулосани асослашга имкон туғдиради. Шу билан бирга муаллиф Чўлпоннинг 30-йилларда замона-созлик руҳи билан йўғрилган асарлар ёзишга мажбур бўлганлигидан ҳам кўз юммайди. Демак, бу далил муаллифнинг илгариги кўп портретларига қараганда мазкур китобида танқидий нигоҳи анча ўткир-лашаётганлигидан гувоҳлик беради.

Санаб ўтилган фазилатларига кўра Озод Шарафиддиновнинг “Абдулла Қаҳҳор” ва “Чўлпон” китоблари унинг портретнавислик соҳасида эришган энг жиддий ютуқлари даражасига кўтарилади.

Англашиладики танқидчиликда эллик йилдан ортиқ вақт мобайнида қалам тебратиб, Озод Шарафиддинов бу соҳанинг адабий портретдек қийин жанрида энг улкан муваффақиятларни қўлга киритди. У яратган портретларнинг кўпчилиги ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигининг бебаҳо мулки бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Мумтоз адабиётшуносликда шеършунослик, аниқроғи, шеърият танқидчилиги илми нақд дейилган. Шеършунослар ҳақиқий шеърлар орасидаги сохталик, беўхшовлик, айбларни лўнда-лўнда кўрсатиб берганлар. Атоуллоҳ Ҳусайний, Воиз Кошифий, Аҳмад Худайдод Тарозий сингари олимлар шеърни талқин қилиш, баҳолашда бой мактаб яратганлар. Бадиий санъатлар, илми қофия сингари соҳалар шеършунослик-танқидчиликда ўз ўрнини эгаллаяпти. Ҳозир шеърият танқидчиси заргарона иш юритиши — ҳар бир сўз, оҳанг, рух, ранг ҳақида тўхталиши: ўқувчисини бетакрор оламга олиб кириши, муҳими, гўзалликка ошно қилиши зарур.

Шўро даврида наср, драматургия танқидчилиги ўз йўлида давом этаверди. Кенг оммага бу соҳа танқидчилиги унча таниш эмас эди. Аммо халқ, унинг дид-фаросатли қисми шеъриятни нозик ҳис қилар, шунинг учун ҳам шеърият ҳақида ёзилган жўн, юзаки мақолаларни қабул қилмас эди. Шеършунос поэзия майдонидаги “ўтоқчи” — айбларни кўрсатувчигина эмас, у назмнинг таъсир кучини, ижтимоий моҳиятини, лирик қаҳрамон қалбидаги нозик ўзгаришларни, шеъ-

риятдаги услубий ранг-баранглик, усулий серқирраликни ёритиш билан шуғулланарди. Озод Шарафиддинов шеъроятни нозик, чуқур ҳис қиладиган, бу соҳа танқидчилигини юксак поғанага қўтарганлардан бири. Мунаққид наср, драматургия, танқидшунослик ҳақида жиддий мақолалар ёзган. Лекин шеъроят Озод Шарафиддиновни танқидчиликда машҳур қилган соҳа.

Олимнинг “Замон, қалб, поэзия” номли китоби шеъроятда янгича нуқтаи назарни ифодалагани, назмий асарларни баҳолашнинг Озод Шарафиддиновга хос мезонлари акс этгани билан аҳамиятлидир.

Озод Шарафиддинов шеъроятга ўзига хос мезонлар билан ёндашади. Бу мезонларнинг биринчиси ва олим асарларининг асл моҳиятини акс эттирадиган — ҳақиқатпарастлик. Ана шу мезон уни адабиётдаги, хусусан, шеъроятдаги ўртамиёналикни фош этишга ундади. Буни профессор Бегали Қосимов қўйидагича баҳолаган эди: “Табиат унга (Озод Шарафиддиновга) адабиётни нозик ҳис қилиш ва муносиб баҳолаш салоҳиятини ҳамда уни рўй-рост айтиш жасоратини берди. Унинг ижодда ўртамиёналикка, “қўлмак давралар”га тоқати йўқ эди... Лекин ҳамиша ижоди ва фаолияти “қиличнинг дами”да кечди. Чунки у ўртамиёна яшай олмасди, ўртамиёна сева олмасди. Айримлардек кўнглидагини яшира олмасди. Дилидаги тилида эди”.

Олимнинг илк асарлариданоқ шеъроятимизнинг юксак чўққиларга қўтарилишига ҳалақит бераётган камчиликларга эътибор қаратиши сабабини ҳам ана шу ҳақиқатпарастлик мезони билан изоҳлаш мумкин. Унинг “...баъзан заиф шеърларнинг остида атоқли, хизмат кўрсатган, ҳатто йирик шоирнинг имзоси туриши” таассуф билан таъкидлаши боиси ҳам шунда. Номдор муаллифлар томонидан ёзилган, ўша замон мафкурасига ҳар жиҳатдан мос, лекин, бадиият талабларига жавоб бера олмайдиган битиклар ҳақида “Шеърми шу асар? Поэзия борми унда?”, деган ҳақли саволларни фаҳмида мезони бор олимгина ўртага ташлаши мумкин эди ўша замонда.

Ҳар қандай шеър поэзия бўлавермайди, — деб ёзади олим. — Агар поэзиянинг моҳияти вазн ва туроқлардан, қофия ва аллитерациялардангина иборат бўлганда, маълум бир маънони маълум бир оҳангда ифодалашдан нарига ўтмаганда, дунёда шоирликдан осонроқ иш бўлмас эди. Агар шундай бўлса, ўртача саводи бор, эси бутун ҳар қандай одамни бир ҳафта ўқитиб, бинойидек шоир қилиш мумкин бўларди. Унга ҳатто чиройли ўхшатишлар, аниқ сифатлашлар, оригинал метофоралар топиш йўлини ҳам ўргатиб қўйса бўларди. Ҳолбуки, бундай эмас. Поэзия газетанинг информация жанридан фарқ

қилади. Шоирлик — инсон фаолиятининг энг қийин, мураккаб томонлардан биридир. Шоир деган одам ўткир фикр юритиш қобилиятига, шоирлик талантига эга бўлиши лозим. Талант бўлмаса, ҳар қанча уринган билан чинакам поэзия намуналарини яратиб бўлмайди”.

Орадан қарийб ярим аср муддат ўтган бўлса ҳам, устоз шеършуноснинг бу фикрлари ахамиятини заррача ҳам йўқотган эмас.

Озод Шарафиддинов ҳақиқатпараст сифатида наинки ижод аҳлига, ҳатто ўзига нисбатан ҳам шафқатсиз экани ҳайратланарлидир. Акс ҳолда “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” мақоласида олим ўз шахсиятига, ҳаётий аъмолига бобуруна нигоҳ ташлай билармиди?! Ёхуд “Мувашшаҳ” сарлавҳали эссесиди: “... мен адабиётшунос сифатида Абдуллажоннинг ижодидан уч-тўртта мақола эълон қилганман-у, лекин унинг ижодини ҳар томонлама тадқиқ этувчи, XX аср шеърлятида, қолаверса, жаҳон шеърлятида Абдулла Орипов феноменини тўла бўлмаса-да, бир қадар мукамалроқ очиб берадиган дурустроқ бир мақола ҳам ёзган эмасман. Ҳар гал бу ишга киришмоқчи бўлганимда, бу шеърлят қаршисида қаламимнинг бениҳоя ожизлигини ҳис қилардим”, тарзидаги эътирофларни ёза олармиди?!

Шеършуносликдаги Озод Шарафиддиновга хос иккинчи мезон — юскак профессионал билимга асосланган талабчанликдир. Олимнинг фикрича, шеър чинакам юскак поэзия даражасига кўтарилиши учун индивидуал услуб ва стилларнинг ранг-баранглиги, бойлигига эришмоқ зарур. Фалсафий мулоҳазаларни ҳам, чуқур ўйларни ҳам, драматизм билан суғорилган кечинмаларни ҳам ифодалашга, йирик масштабни, қабарик образлар яратишга имкон берадиган услублар кераклигини таъкидлайди.

Олим шеършунослигига хос учинчи мезон — изланувчанлик. У шеърлятда изланиш руҳи ҳукмрон бўлиши зарур, деб ҳисоблайди: “Санъат, поэзия ҳамиша санъаткорнинг воқеиликка янгича муносабатидан, янгича қарашидан, янгича фикрлашидан бошланади”. Мутасил изланиш, ҳар бир шеърда бирон янгилик кашф қилишга интилиш руҳи Миртемир ижодида кучли эканини таъкидлаган олим ёш истеъдодларни ундан ўрганишга чақиради. Миллий шеърлятимиздаги бунинг акси бўлган, изланиш ва кашфиёт руҳидан маҳрум, баёнчиликка асосланган асарларни кескин танқид қилади. Шеърлят ҳаётий воқеиликни шунчаки қайд қилувчи эмас, ундаги ҳеч ким пайқаманган, ҳали ўзгалар сезишга улгурмаган поэтик гўзалликларни инкишоф этиш йўлидан бориши зарурлигини уқтиради.

Озод Шарафиддинов шеършунослигига хос тўртинчи мезон — ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий камолотига қанот

бағишлашдир. “Замон, қалб, поэзия” китобидаёқ олим шеъриятимиз ривожда ёшларнинг ҳиссаси катта бўлаётганидан, поэзиянинг эртасига ишонч ва умид билан қараш мумкинлигидан беҳад қувонган эди. Устоз шеършуноснинг Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов сингари XX аср ўзбек шеъриятининг забардаст вакиллари, адабиётимиз қаҳрамонларини илк шеърлариданоқ қўллаб қувватлагани, уларнинг ижодий камолотига қанот бағишлагани бунинг далилидир.

Озод Шарафиддиновнинг шеърят ҳақидаги тадқиқотлари шеършунос қандай бўлиши кераклиги, поэзияни баҳолашда қай бир мезонларга таяниш зарурлиги ҳақида теран хулосалар чиқариш имконини беради. Айтиш мумкинки, худди ана шу фазилатлари боис олимнинг бошқа асарлари қатори шеърят таҳлилига оид илмий ишлари ҳам мудом миллий адабиётимиз равнақиға, шеършуносларнинг янги навқирон ва салоҳиятли авлодларини тарбиялаб етиштириш ишиға муносиб хизмат қилаверади.

Озод Шарафиддиновнинг бутун онгли ҳаёти, илмий ва педагогик фаолияти Тошкент Давлат университети билан чамбарчас боғлиқ. Олим бутун умри давомида шу олий ўқув даргоҳида самарали фаолият кўрсатди, энг табаррук профессорлардан бириға айланди, минглаб талабаларға билим берди, адабиёт ва илм сирларини ўргатди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз илм-фани, адабиёти, маданиятиға салмоқли ҳисса қўшаётган кўплаб фан докторлари ва номзодлари, шоир ва адиблар, журналист ва ўқитувчилар Озод Шарафиддиновнинг шогирдларидир. Унинг маърузаларини тинглаганлар умри бўйи “Бизни Озод Шарафиддинов ўқитган”, деб ғурурланиб юришади.

Шогирднинг устозға ихлоси-ю меҳр-оқибати, устозға садоқати ҳамма даврларда ҳам ибратға сазовор қадрият ҳисобланган. Бу улут фазилат намунасини Озод Шарафиддиновнинг Абдулла Қаҳҳорға бўлган садоқатида ёрқин кўрамыз. Унинг ёзишича: “Абдулла Қаҳҳор жуда истеъдодли, донишманд ва ақли одам эди. У ўз даврининг моҳиятини ҳам, адабиётнинг санъат сифатидаги табиатини анча-мунча чуқурроқ тушунган. Шунини ҳисобға олиб, унинг шахсига баҳо берадиган бўлсак, уни ўша кезлардаёқ истиқлол йўлида фаол курашган ўтюраклардан бири, деб айтиш керак бўлади. У авжи турғунлик йилларида, ҳали ҳам оммавий қатағонлар бирозгина тусини ўзгартириб, аслида моҳиятини сақлаб турган бир шароитда, ҳақиқатни эркин айтишға, мустақил фикрлашға ҳар хил темир қозиқлардан нариға кетишға чорлашдан қўрқмаган эди”.

Абдулла Қаҳҳорға, айниқса, 60-йилларда, таъна тошлари отилган вақтда Озод Шарафиддинов ҳамма вақт унинг ёнида ҳамдард, ҳам-

фикр бўлиб тургани, фарзандларидан ортиқ меҳр-оқибат кўрсатганлиги кўпчилик зиёлиларга маълум.

Озод Шарафиддиновнинг адабиётшунослик соҳасида ўзига хос довураклик, жасорат билан адабиётга беғараз қилган хизматлари кўп қирралари билан Абдулла Қаҳҳорнинг фидойилигига ўхшаб ҳам кетади. Олим ёзганидек: “Кези келганда бир нарсани айтиб ўтай, одамлар мени Абдулла Қаҳҳорнинг шоғирди дейишади. Очиғини айтганда, мен бу унвондан ҳамиша фахрланиб келганман. Лекин шу билан бирга, ҳозирга қадар ўзимни Абдулла Қаҳҳорнинг шоғирди-ман дейишга истиҳола қиламан. Тилим бормаиди. Биз ҳар қанча у одамга яқин бўлмайлик, лекин Абдулла Қаҳҳор истеъдоди жиҳатидан ҳам, ақл-заковати бобида ҳам, одамгарчилик масаласида ҳам биздан бир неча баробар юқори турар эди. *Ҳар қанча яқин бўлмайлик, орамизда ҳамиша кўринмас бир масофа сақланиб қолардики, уни босиб ўтишга ҳаддимиз сизмас эди. Шунинг учун ҳатто ҳозир ҳам мен ўзимни баралла у кишининг шоғирдидан деб айтсам, орамиздаги ўша масофа қисқариб қоладигандай, мен у кишини буюкликларига шерик бўлаётгандай бўлаверади.* Назаримда: “Абдулла Қаҳҳор шоғирди” деган мақом шу қадар юксакки, бунга сазавор бўлмоқ учун менга ўхшаган одамлар умр давомида ҳаракат қилишлари керак бўлади”.

Олимнинг ноширлик фаолиятини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бугунги кунда ўзбек адабиёти, маънавиятимизнинг ўзига хос кўзгусига айланган “Жаҳон адабиёти” журнали 1998 йилда ўзбек адабиётини жаҳонга, жаҳон адабиётини ўзбек халқига танитадиган мўтабар ва мустаҳкам кўприк бўлиши керак эди. Юртбошимиз “Озод Шарафиддинов мана шу журнални ташкил этиш ташаббуси билан чиқди, ўйлайманки, унга муҳаррирлик қилиш домланинг қўлидан келади”, деб, бу муҳим вазифани ишониб Озод Шарафиддиновга топширгандилар.

Олим бу юмушни ҳавас қиладиган даражада, шу қадар виждонан шу қадар катта савия билан бажардиларки, энди, бугунги кунда биз ўзбек халқининг маданияти, маънавий-маърифий даражасини кўз-кўз қиладиган бўлсак, “Жаҳон адабиёти” журналинини варақлаб кўриб, “ўзбек” зиёлисининг савияси, диди нималарга қодир эканлигини кўришни хоҳласангиз, ана шу журналга қаранг”, дейиш мумкин.

Озод Шарафиддинов бу журнални оёққа турғазди, шоғирдларини бу ерга жалб этиб, дунё адабиётидаги энг улкан ва энг ибратли асарларни таржима қилдирди. “Жаҳон адабиётининг дурдона ва бетакрор асарларини халқимиз ўз она тилида ўқиш керак?” дер эдилар. Буни Л.Н.Толстойнинг мақолалари, Оскар Уайльд, В.Войнович, И.Бунич, П.Коэльонинг асарлари таржимаси мисолида яққол кўри-

шимиз мумкин. Машҳур ёзувчи Пауло Коэльонинг асарлари 117 та давлатда чоп этилиб, миллионлаб инсонлар ўқишга муяссар бўлиб турган бир пайтда нега ўзбек китобхонлари бундан бебаҳра қолиши керак деб, бу асарни ўзлари таржима қилишга киришганлар. П.Коэльонинг “Алхимик”, “Бешинчи тоғ” асарлари ўзбек китобхонлари эътиборига ҳавола этилди.

Озод Шарафиддинов инсон ҳамиша меҳрга муҳтож, бир тутам покиза нурга интиқ бўлиб яшашни чуқур англаб етди. Умрининг охирги йилларида оғир хасталикка чалинди. Аммо олим оғир бетоб кунларида ҳам касалхонада кунига ўн-ўн икки соатлаб ижод қиларди. Соатлаб иш столига ўтириб, чет эл адибларининг асарларини таржима қилар, мақола ва рисолалар ёзар эдилар. Йиллар ўтиб, кўзлари хиралашгач, лупа билан ўқиб, оқ қоғозга ўзлари ёзадиган бўлдилар. Кейинчалик лупа ҳам ёрдам бермади, шунга қарамай, ижодни давом эттирдилар. Касаллик хуруж қилган, асоратлари авжига чиққан 2004 йилнинг ўзида тинимсиз меҳнат эвазига иккита катта асари, бир қанча мақола ва рисолалари чоп этилди.

Аввал бир, кейин иккинчи мучасидан айрилганида уни юртимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ўзи қўллаб-қувватлади. Олим-адиб ўн йил орасида икки юксак орден, “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланди. Қаҳрамонлик унвони кўпинча бирор бир жанговар вазифани адо этгани учун, меҳнатда эса барчани қойил қолдирадиган муайян натижани қўлга киритгани учун берилади. Озод Шарафиддинов бу унвон билан олим, устоз, ҳалол инсон сифатида ёниб-яшнаб ўтган бутун умри учун тақдирланди.

Олим ўзларининг 70 йиллик юбилейларида сўзга чиқиб, “Аллоҳдан яна менга 10 йил умр беришни илтижо қиламан”, деган эдилар. Бу билан улар ўз олдиларига улкан мақсадлар қўйганлар ва шу мақсад сари интилаётганларини таъкидлаган эдилар. Домла 10 йил шунчаки яшашни эмас, балки XXI аср янги ўзбек адабиёти ва миллий адабий тафаккурининг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшишни мақсад қилган эдилар.

Озод Шарафиддиновдаги ирода, мардлик, матонат ва шижоат бугунги кун ёшлари учун ўрнак бўлмоғи керак.

Одил Ёқубов,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ИРОДАСИГА ҚОЙИЛ ҚОЛГАНМАН

— Уйимизга Озод Шарафиддинов деган олим кўчиб келяпти. Буюмларидан китоблари кўп. Бир машинага сиғмайди — деган гаплар қулоғимга чалинди.

Мен Озодни билардим. У Москвада яқинда диссертация ёқлаб, диплом олиб келган. Келиши биланоқ Ёзувчилар уюшмасида тузилган ёш адиблар семинарида иштирок эта бошлаган эди.

Шоша-пиша ҳовлига тушдим. Озод бўй-басти келишган, хушқад, хушсурат йигит эди. Фақат сочлари тўкилиб, боши ялтираб қолган. Озод бу ҳақда:

— Ақлли сочларим тентак бошимда ўсишни истамай уни тарк этапти. Не чора? — деб кулиб гапирарди. Кейин билсам Озод кулги деганда ўзини томдан ташлайдиган қувноқ инсонлар тоифасига кираркан.

У мени кўриб:

— Э, сиз ҳам кўчиб келганмисиз? Яхши бўпти. Қўшничилик қилар эканмиз, — деб кулди-да, шу заҳотиёқ уйга таклиф қилди.

Ўшанда Озодга кўп фарзандли оила эканини ҳисобга олиб, уч хонали уй берилган экан. Биз чиққанда Озоднинг рафиқаси Шарофатхон билан фарзандлари Муҳаббатхон, ўғиллари Фарҳод ва Алишерлар китобларни жавонларга тераётган экан, Озод рафиқаси Шарофатхонга:

— Мана, қўшнимиз Одил бизни табриклаб келибди. Дастурхон ёз. Бу йигит Ёзувчилар уюшмасида катта мансабда. Бизга асқотади ҳали! — деб гапирдилар-да, ўзи дарҳол дастурхон ёза бошлади...

Кейинчалик “Жаҳон адабиёти” журнали таъсис этилганда Президентимиз Ислом Каримов бош муҳаррир лавозиимга Озодни таклиф этгани адиблар даврасида кўпчиликка маълум.

Шунда Озод Ислом акага:

— Танқидчилик жуда қийин соҳа-ку, Ислом Абдуғаниевич, балки мендан бошқа одамни топарсизлар, — деганда Президентимиз:

— Мен биламан, сиз ишнинг кўплигидан эмас, аксинча, иш озлигидан азият чекадиган инсонлар тоифасига кирасиз. Сиз ишни бошлайверинг, соғлигингиз ҳақида биз ўйлайлик, — деганини Озод кўп эслаб:

— Бундай гапдан кейин мен Президентимизнинг бу таклифини қандай рад этаман, — деди.

Ҳақиқатан, Озод “Жаҳон адабиёти” журнаliga бутун ақлу заковатини бағишлаб ишлади. Ҳатто оғир касаллик хиппа бўга бошлаганда ҳам у таслим бўлавермади, аксинча, ишга қаттиқ шўнғиди, ишдан ҳаловат қидирди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, бир куни у телефон қилиб:

— Одил, бугун кечкурун мен Россиянинг элчисини таклиф қилганман. Марямхонни олиб кел, яхши одамга ўхшайди, гаплашиб ўтирамиз, — деб қолди.

Элчи ҳақиқатан ҳам вазмин ва камтарин инсон экан. Озод мендан ташқари Матёқуб билан Пиримқул ва Эркинжонни ҳам чақирган экан. Яхши давра бўлди. Яхши гаплардан гапиришиб, кулишиб ўтирдик. Фақат меҳмондорчилик давомида Озод уч-тўрт марта ташқарига чиқиб-кириб турди. Мен уни дастурхондан кўнгли тўлмай, Шарофатхонга кўрсатма бериб кириб-чиқиб тургандир-да, деб ўйладим. Эртасига Озодга телефон қилиб:

— Озод, кеча жуда безовта бўлдинг-ку? Ё дастурхондан кўнглинг тўлмадими, — деб сўраган эдим. Озод “уф” тортиб:

— Э, дўстим, нимасини сўрайсан? Мана бу ёмон касал кеча яна хуруж қилиб қолди. Ҳар сафар еган-ичганларимни қайт қиялман. Томоғимдан овқат ўтмаяпти, — деб қолди. Шунда мен азиз дўстимнинг чидами ва иродасига яна бир бор қойил қолдим. Не чора? Бу кўргулик ҳам бор эканда, бошимизда. Бошга тушганини кўз кўрар дейди-ку халқимиз.

Озод шеърятни яхши кўрар, яхши билар, у яхши кўрган шеърларини ёдга олиб, давраларда ўқиб юарди. Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов шеърларини ёддан ўқиб, айтиб юарди. Айниқса, Абдуллажоннинг “Биринчи муҳаббатим”, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” деган шеърларини ёддан айтиб беришни яхши кўрарди. “Ура-ура”чилик руҳига тўлиб тошган шеърларни эса энсаси қотиб эсларди...

Озод, умуман, дабдабозликни, бошқалардан ажралиб туришни, иззатталабликни жини суймас эди. Бир сафар касалхонага тушганида Шарофатхон иккисини ҳукумат шифохонасида алоҳида хонага ётқи-зишган экан, бу жойлар Озодга жуда зерикарли туюлибди.

— Кечаси билан ухлай олмадим, — деди Озод нолиб. — Тонг отсин, ҳамма ётадиган хоналарга ўтиб оламиз. Кўпчилик билан бирга бўлганга не етсин!...

Озод устоз Абдулла Қаҳҳорни ўз отасидай ҳурмат қилар, у кишининг ижодини юксак баҳолар эди. Лекин шундай бўлса ҳам, у кишининг энг сўнгги асари “Синчалак”ка берилган юксак баҳога қўшилавермас, асарнинг энг нозик нуқтаси — муштдеккина қиз қудратли раис билан бўлган курашда ғолиб чиқишини ҳаёт ҳақиқатига зид, сохта конфликт, деб ҳисоблар эди. У ўз фикрини ёзган мақола-сида айтмаса ҳам, классик ёзувчи билан бўлган суҳбатларида устознинг ўзига ҳам бемалол айтаверар, устоз эса унинг бу фикрига қўшиладими-йўқми, буни тушуниб бўлмас:

— Ҳа, энди биз ёшлар ҳаёти ва ички дунёсини яхши билмаймиз. Сизлар ҳақ бўлишларинг ҳам мумкин, — деб қўя қоларди. Ҳаёт кейинчалик бу баҳсда буюк классигимиз эмас, Озод ҳақ эканини кўрсатди. Озод дўстликни ниҳоят қадрлар, дўстлар бошига бирор мусибат тушса, дарҳол етиб бориб, кўнглини кўтаришга уринар эди.

Сира эсимдан чиқмайди. Онаизорим оламдан ўтганларида Озод ёнига шогирдлари Умаралаи, Иброҳимжон ва яна бир-икки дўстлари билан Туркистоннинг узоқ қишлоғида ўтган дафн маросимига етиб борган ва улар маросим тугагунча ёнимда бўлишганди.

Озод, умуман ёш олим ва адибларни яхши кўрар, ёшлар ҳам уни жуда ардоқлар эди. У вафот қилганида мотам маросимига келган ёшу кекса одамлар кўчаларга сиғмай кетди. Улар шунчаки келиб-кетишмай, Чигатой қабристонигача марҳумни кузатиб боришди... Биз, дўстлари, ҳар йили Озод вафот этган куни унинг хонадонига йиғиламиз, марҳумни хотирлаймиз. Шунда яна бир марта унинг бир уйга сиғмайдиган кутубхонасига қараб, бу хонадонда ўтган маросимлар, бўлган самимий суҳбатларимизни, энг муҳими — Озоднинг ўз халқига қилган улкан хизматларини эслаб, ҳайратга тушамиз. Озод ора-мизда барҳаёт.

УСТОЗГА ЛУТФ

Бу дунёнинг ишлари
Доим макру ўйиндир.
Олим бўлмоқ осону
Одам бўлмоқ қийиндир.

Тўғрисўзлик азобин
Сўранг Озод акадан.
Танқидларнинг “шароб”ин
Сўранг Озод акадан.

Шогирдлари “оҳ”деса
Армон тўлган дилига.
Навниҳоллар мункиса
Таянч бўлган йўлида...

“Буюк хизматларингиз”
Қутлуг Сўзга муборак!
Чеккан заҳматларингиз
Сизга, бизга муборак!

Қадр топди Озод сўз,
Ушалди дил армони:
Устоз, Сизга ярашар
Одамийлик унвони!

ШАРАФИДДИНОВ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ МУҲИМ САНАЛАРИ

1929 йил 1 март — Қўқон шаҳри яқинидаги Охунқайнар қишлоғида туғилган.

1946 йил — Тошкент шаҳридаги 14-мактабни олтин медал билан тугатган.

1946—1951 йиллар — Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) филология факультетида таҳсил олган.

1951—1954 йиллар — Москвадаги жаҳон адабиёти институтининг аспирантурасида ўқиган.

1955 йил 29 апрель — «Урушдан кейинги ўзбек поэмачилиги» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1954—1994 йиллар — ўзбек филологияси факультети доценти, профессори.

1994—1997 йиллар — «Тафаккур» журнали муҳаррир ўринбосари.

1997 йил июль ойидан «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири.

2005 йил 4 октябрда вафот этган.

Унвон ва мукофотлари:

«Уруш йилларидаги фидойи меҳнати учун» медали (1946)

«Турдовое отличие» медали (1959)

«Немис-фашистлари устидан қозонилган ғалабанинг 10,20,30,40,50 йиллиги» медаллари

«Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти» (1970)

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони (1990)

«Меҳнат шўхрати» ордени (1997)

«ЎЗМУнинг Олтин медали» (1998)

«Буюк хизматлари учун» ордени (1999)

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони (2002)

«Самарқанд Давлат университети фахрий профессори» (2003)

«Антик дунёни ўрганиш жамоатчилиги академиясининг академиги» (2003).

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ САБОҚЛАРИ

Ўтмишдаги шон-шухрат, муваффақият ва парвозлар яхши нарсаси, албатта! Аммо улар шунақа нарсаси, ҳар бир янги авлод бу шухратга шухрат қўшиб турмаса, эски ютуқлар қаторини янгилари билан бойитиб бормаса, миллатнинг қаноти қайрилиб, парвози сусайиб қолади.

Ҳаётни гаровга қўйиб эришилган маҳорат санъаткорни ҳеч қачон тарк этмайди, унинг мангу мулки бўлиб қолади.

Ижод эркинлиги халққа, ватанга фидокорлик билан хизмат қилиш эркинлигидир.

Ҳеч қаерда ҳеч қайси инсонлар жамияти фақат моддий манфатларга суянибгина, фақат моддий эҳтиёжларини қондирибгина ҳаёт кечири олмайди — инсон ҳаётининг саодатманд бўлмоғи учун виждон ва имон унинг ҳаётида устувор бўлмоғи керак.

Муҳаббатни ўз ҳолига ташлаб қўймай, ақл чироғи билан ёритиб турилса, нур устига нур бўларди.

Санъатдаги эстетик бойликни мукамал ҳис қилгандагина санъат асарини тўғри баҳолай олиш мумкин.

Тилни менсимаслик миллатни менсимаслик, ватанни менсимасликни кўрсатадиган ўта ноҳуш ҳолдир.

Зиёли ўзини халқнинг узвий қисми деб ҳисобламоғи, халққа қарши бўҳтонларни рад этмоғи, халқнинг маънавий бойлигининг посбони бўлмоғи лозим.

Одамларни одам қиладиган, жамиятни жамият қиладиган қудрат — виждон, инсоф, диёнат, адолат ва ҳақиқатнинг барқарорлиги.

Озод Шарафиддиновнинг 80 йиллиги муносабати билан кутубхоналар, АКМ ва АРМларда ўтказилиши мумкин бўлган тадбирларнинг методик ишланмаси

ОҒЗАКИ ЖУРНАЛ

Озод Шарафиддиновнинг 80 йиллиги муносабати билан кутубхоналар АКМ ва АРМларда оғзаки журнални ўтказиш мумкин.

Оғзаки журнал ўтказиш учун тадбир ўтказиладиган жойни жиҳозлаш, мутахассисларни таклиф этиш, журнал саҳифаларида сўзга чиқиш учун мутахассисларни ёки китобхонларни тайинлаш, тартибни режалаштириш, журнал муҳарририни тайинлаш, мусиқали ёзувларни бир жойга тўплаш, кутубхонада эълон бериш, таклифномалар тайёрлаш ва уларни белгиланган шахсларга юбориш ва шу каби ташкилий ишларни амалга ошириш зарур.

Журнал саҳифалари 3-5 тагача бўлиши мумкин. Кутубхонада ўтказиладиган кечалардагидек оғзаки журнални ҳам бошқарувчи, бу ерда муҳаррир деб аталувчи шахс очади. Одатда муҳаррир ҳар бир саҳифани очишдан илгари қисқача кириш сўзи сўзлайди, сўнг навбатни сўзга чиқувчига беради. Журналнинг саҳифалари суҳбат, ахборот, олимлар, мутахассислар, машҳур кишиларнинг чиқишлари, шеърлар, мусиқа асарлари, бадий асарлардан парчалар намойиш этиш ва шу кабилардан иборат бўлади.

“Оғзаки журнал” деган номнинг ўзиёқ унинг босма журнал билан қандайдир ўхшаш жиҳати борлигини кўрсатади. Аммо унинг саҳифалари босмахонада босилмайди, балки муаллифлар томонидан оғзаки баён қилинади. Журнал одатда 2-2,5 соат, ҳар бир саҳифаси эса 15-35 дақиқа давом этади.

Оғзаки журнални муҳаррир кириш сўзи билан очади.

1-саҳифа: “Жиллар жозибаси”.

2-саҳифа: “Меҳр ва самимиятга йўғрилган ижод”.

3-саҳифа: “Ярим аср порлаган маёқ”.

4-саҳифа: “Муаззам чинор”.

1-саҳифа

“Жилолар жозибаси”

Ушбу саҳифада Озод Шарафиддиновнинг адабиётшунослик ва танқидчилик соҳасида ёзилган асарлари: “Замон, қалб, поэзия”, “Довондаги ўйлар”, “Ижодни англаш бахти”, “Адабиёт ҳаёт дарслиги” ва бошқа кўплаб асарлари ҳақидаги маълумотлар ёритилади.

2-саҳифа

“ Меҳр ва самимиятга йўғрилган ижод ”

Бу саҳифада Озод Шарафиддиновнинг адабий-портрет жанрида яратган асарлари тўғрисидаги маълумотлар берилади.

3-саҳифа

“ Ярим аср порлаган маёқ ”

Мазкур саҳифада Озод Шарафиддиновнинг газета ва журналларда чоп этилган мақолалари хусусида сўз боради.

4-саҳифа

“Муаззам чинор”.

Сўнгги саҳифада Озод Шарафиддинов ҳаёти ва ижодига бағишланган асар ва мақолалар тўғрисида маълумотлар берилади.

“Китоблар бахш этган бахт” номли давра суҳбатининг намунавий сценарийси

Кутубхонада тadbирни ўтказишдан аввал эълон ва таклифнома ёзилади. Таклиф этилган меҳмонларга таклифномалар тарқатилади. Давра суҳбати учун жой танланади ва безатилади. Мавзуга оид адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади. Эълон ва таклифноманинг намунавий шаклини келтирамыз.

Эълон!

Ҳурматли китобхон!

2009 йил _____ куни соат _____ да кутубхонамизда Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим, танқидчи, таржимон Озод Шарафиддиновга бағишланган “Китоблар бахш этган бахт” номли давра суҳбати бўлиб ўтади.

Таклифнома

Ҳурматли _____,

Сизни 2009 йил _____ куни соат _____ да кутубхона-мизда ўтказиладиган Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим, танқидчи, таржимон Озод Шарафиддиновга бағишланган “Китоблар бахш этган бахт” номли давра суҳбатига таклиф этамиз.

Олиб борувчи: Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар. Бугун биз сизлар билан Ўзбекистон Қаҳрамони, мунаққид Озод Шарафиддиновнинг 80 йиллик юбилейлари муносабати билан йиғилдик. Замонавий бадиий тафаккуримиз ривожига ўчмас из қолдирган, ҳамиша барҳаёт сиймо сифатида тан олинган Озод Шарафиддинов номи доимо юксак эҳтиром билан тилга олинади. Ўтган асрнинг 60-йилларидан кейин Озод Шарафиддинов Ўзбекистондаги мунаққидлар орасида энг машҳурларидан бири бўлди. Танқидчиликда унинг мулоҳазаларига энг эътиборли асос сифатида қараб келинди. Улар ҳозирги пайтда ҳам худди шундай қадр-қимматга эга.

Олимнинг адабиёт аҳли ўртасида, бошқа турли касб-кордаги кишилар орасида бундай эътиборга, аввало, қўп китоб мутолаа қилганлиги, билим доирасининг кенглиги, адабий асарларни ўзига хос теран таҳлил қилиши, истеъдодларни қадрлагани, қўллаб қувватлагани, шогирдларини авайлаб ёзозлагани туфайли эришди.

Бугун биз сизлар билан Озод Шарафиддиновнинг энг севган нараси, энг ардоқлаган бойлиги, ажралмас дўсти — китобга бўлган ҳурмат ва эҳтироми ҳақида суҳбатлашамиз. Сизларга меҳмонларимизни таништираман. Филология фанлари номзоди, доцент _____, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими _____, забардаст олим, профессор _____, филология фанлари номзоди, доцент _____.

Кечамизни очиб беришни олим _____дан илтимос қиламиз. Марҳамат.

Олим: Китоб инсонни юксакликка кўтарадиган беқиёс қанот эканлиги Озод Шарафиддиновнинг ҳаёти, фаолиятида яна бир бор намоён бўлди. У китобларга умри бўйи меҳр қўйиб келди. Унинг китобни “биринчи мўъжиза” деб таърифлаши ҳам шундан далолат беради. Олим эллик йиллиги муносабати билан чоп этилган салмоқли китобини ҳам “Биринчи мўъжиза” деб номлаган эди. У китоб дўконлари расталарига боришга хумор эди. Ҳар куни бир нечта газета-журнал оларди. Аммо, олим айримларга ўхшаб китоб, газета-журналларни йиғиш, тўплашга шунчаки ишқибоз эмас, балки уларни

мутолаа қилиш кундалик иши, доимий одати эди. Уни яқиндан билган, сафарларда ҳамроҳ бўлганлар “Озод ака саҳарда ўрнидан турар-турмас китоб ўқир эди”, деб ёзишади. Тақводорлар худди намоз ўқишга одатлангани сингари у ҳар бир кунини китоб, газета-журнал мутолаа қилиш билан бошларди. Мутолаа унинг учун худди нафас олиш, овқатланиш каби зарурий эҳтиёж саналарди.

Мунаққиднинг китобларга ўзгача бир меҳри борлиги, уларни ҳамма нарсадан азиз деб билиши янги китобни қўлига олган кезларида юз-кўзидаги билиниб турарди. У номи тилга тушган янги бир асарга дуч келганида чинакамига севиниб кетарди. Бундай пайтларда унинг чеҳраси қувончдан ёришиб, лабларида табассум пайдо бўларди. Кайфияти бирдан кўтарилиб, атрофдагиларга қулиб, ҳазил-хузул гаплар айтарди. Унинг жозибадор овози, қочиримли гаплари таниш-нотаниш одамларга бирдай хуш келарди. Кўп китоб мутолаа қилиб, кўп нарсадан хабардор бўлгани туфайли қаерда қандай гапиришнинг меъёрини ҳам биларди...

Олиб борувчи: Раҳмат домла. Энди сўз навбати Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимига. Марҳамат.

Маданият ходими: Агарда Озод Шарафиддиновнинг рамзий сиймоларини яратиш жоиз бўлса, шубҳасиз, биринчи ўринда китоб турган бўлар эди. Ўзбекистонда энг китоби кўп ва китобни энг кўп ўқиган китобхон шу одам экани айни ҳақиқат. Телерепортерлардан бири: “Мабодо Сиз Шимолий муз океанига бориб яшашга мажбур бўлиб қолсангиз нима қилар эдингиз?” деб берган саволга домла: “Китоб йўқ жойга бориб нима қиламан?” деб жавоб бергандилар. Домла хуссидаги орқаваротдан бўлган суҳбатлар ҳам бу инсондаги гўзал фазилатларни очишда ўзига хос восита бўла олади. Масалан, бир куни Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло домланинг зиёлилик сифатларига баҳо бериб, шундай дедилар: “Мен ҳам зиёлиман, аммо Озод ҳақиқий зиёли эди, чунки мен ва менга ўхшаган зиёлилар қуруқ сўз билан кифояланиб қўя қолса, Озод айтганларини амалда бажарар эди. Жуда кўп ижодкорлардан ёрдамини аягани йўқ. Мен бу одамни ҳақиқий зиёли деб биламан”.

Олиб борувчи: Раҳмат.

Китобга қизиқувчилар ҳам ҳар хил: баъзилар модага берилиб китобга “қизиқадилар”, баъзилар ён-веридагилардан уялганидан китоб оладилар, баъзилар ички, табиий эҳтиёж туфайли китобга ўзларини урадилар. Озод Шарафиддинов китобни севмасдан машҳур одам, хусусан, санъаткор тугилишга ишонмайди. Суҳбатимизни давом эттириб, сўз навбатини профессор бераман. Марҳамат, устоз.

Профессор: Баракалла, ўғлим, жуда тўғри гапни айтдингиз. Озод Шарафиддинов кишиларга баҳо беришда китобга муҳаббатини алоҳида ўлчов қилиб оларди. “Яловбардорлар” китобидаги очеркларда бир ўхшашлик бор: барча очерклар қаҳрамонлари китобни бебаҳо бойлик деб биладилар. Масалан, қишлоқи ўспирин Михайло Стельмах бешта тухумга “Бир тўрва қулгу” сотиб олганлигини ёзса, Петрусь Боровка “унинг учун янги ва сирли олам — китоблар оламининг эшиги очилганлигини” қувонч билан эслайди. Озод Шарафиддинов “Китобларим ҳақида ҳикоялар” туркумини бошлаб берган танқидчидир. У ҳар бир китоби баҳонасила бирор киши характерини очади, унга ўз муносабатини билдиради. Озод акани хурсанд қилмоқчи бўлсангиз, унга ноёб китоб совға қилишнинг ўзи етарди. У шундай яйраб қувониб кетардики, асти қўяверасиз. Муҳими, у китобни ушлаб туриб, уни қачондан бери қидираётганини, унга нима учун қизиқиб қолганлигини, унда қандай воқеа тасвирланганини сизга айтиб бера бошларди. Уни қанчалик серҳаракат, синчков эканлигини, у билан китоб дўконига кирганингизда билардингиз. У китоб сотувчи билан бир-икки оғиз ҳазил-хузул гап қилиб олгач, ҳамма нарсани унутиб, китоблар дунёсига шўнғиб кетарди. Агар ўзига керакли китобни топиб олса, денгиздан дур олиб чиққан гаввосдай қувониб, мағрурланиб кетарди. Озод Шарафиддиновнинг яқин дўстлари ҳазил қилишарди: Озоднинг ўзи майли-я, ҳатто машинаси ҳам китоб дўкони олдида бориб таққа тўхтаб қоларди. Мен устоз билан кўп саёҳатларда бирга бўлганман. Тожикистондаги энг кичик, энг шинам “осмон”даги Хорог шаҳридами, Уссурийск тайгасидаги “Олтин калит” деб аталган туристлар базасидами, тоғли Филон қишлоғидаги жаннатдай боғдами, Боботоғда яшайдиган чўпоннинг ўтовидами, бахмаллик муаллим хонадонидами — қаерда бўлмайлик, эрта тонгда Озод акани бир хил ҳолатда — ётган жойида китоб ўқиётганлигини кўрганман. Озод Шарафиддинов саёҳатни, янги жойларни кўришни, дўстлар орртиришни севарди. Лекин бу қизиқиш китобга бўлган муҳаббати олдида ҳеч гап эмас эди. ...

Олиб борувчи: Шундай мазмунли, қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур, устоз. Бугунги даврамизда асосан ёшлар иштирок этишга ётгани учун, мен сизларга марҳум адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг Озод Шарафиддиновга бағишлаб ёзган “Китобсевар, китобсуяр ва китобсуярлар тўғрисида дoston” номли мақоласидан парча ўқиб бермоқчиман.

“Ўзим шоҳидман, Озод билан ҳамсафар бўлишдан ҳузур қиласиз. Йўл-йўлакай ундан оҳори тўкилмаган гапларни эшитасиз, дунёда

Озод ўқимаган китоб қолдимикан, деб ўйлайсиз. Вой, бунинг билафонлиги, вой унинг топафонлиги. Шуни ҳам айтиб қўяйки, Озод билан сафарга чиқиш — роҳат, сафардан бирга қайтиш — азоб.

Албатта, машинада сафарга чиққан қайсидир ёзувчига хотин, болачақалари Марғилоннинг оқ луччагидан олакелинг, дейишади. Бири Гирвоннинг аноридан, бошқаси Косонсойнинг ноки ёки Андижоннинг девзирасидан олиб келишни тайинлайди.

Озод билан сафарга чиққан одамга бу гаплар ҳайф. Чунки сафардан наинки унинг ўзи, ҳатто уни сафарга олиб кетган машинали дўстлари ҳам икки қўлларини бурунларига тикиб, куп-қуруқ қайтардилар. Сабаб?

Йўлда қандоқки китоб дўкони кўринса, Озод тўхтат, деб шофёрнинг билагига ёпишади. У, албатта, дўконга киради. Икки соат чамаси китоб титади. Кейин икки қўлтигига тўла китобни машинага юклайди. Шунақа дўконларнинг тўрттасига киргандаёқ, машина тўлади. Кейин Озод бошқа машинага ўтади. Уни ҳам китобга тўлдиради. Иккала машинанинг ғилдираги юк оғирлигидан ерга қапишади. Қўзғолганда мотор инграб юборади. Нечта машина билан йўлга чиққан бўлсак, ҳаммаси китоб билан банд бўлади.

Бу дўстимиз деярли ҳамма пулини китобга сарфлайди. Хотини Шарофатхон билан қизи Муҳаббат атлас олиб келинг, деб берган пул ҳам қулоғини ушлаганча кетади. Тошкентда бола-чақалари, келину куёвлари, неваралари дадамиз уни олиб келади, деб чучварани хом санаб ўтираверишади...”

Олиб борувчи: Мунаққид Озод Шарафиддиновнинг фарзандлари _____ бугунги даврамиз меҳмонлари. Суҳбатимизни давом эттириш учун сўз навбатини уларга берамиз. Марҳамат.

Фарзанд: Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар, давра иштирокчилари. Бугун суҳбатимиз давомида олим, устоз, отам Озод Шарафиддинов ҳақида кўп фикр-мулоҳазаларни тинглаб ўтириб, жуда тўлқинланиб кетдим. Мана, юқоридаги сўзга чиққанларнинг барчаси отамнинг “китобга” бўлган муҳаббатлари ҳақида сўзлашди. Бу фикрларнинг барчаси ҳақиқат. Озод Шарафиддинов адабиёт ҳақида, маънавият ҳақида ўйлашни охириги дақиқаларгача тўхтатмаганлар. Сўнгги сўзлари — китобларни эҳтиёт қилинлар, мен кетяпман, кучларим кетяпти, алвидо, деб видолашдилар”...

Олиб борувчи: Раҳмат. Бугунги давра-суҳбатимизни Озод Шарафиддиновнинг “Китобларим ҳақида ҳикоялар” бадиасида келтирилган сўзлар билан якунласак: “Китоб уйингизга узоқ денгизларнинг мовийлигини, азамат тоғларнинг виқорини, бепоён саҳроларнинг

жазирамасини, асрий музликларнинг мусаффолигини, қалин ўрмонларнинг сукунاتини, қадимий шаҳарларнинг ғала-говурини олиб киради. Китоб туфайли қанчадан-қанча халқларнинг фарзандларидан дўст орттирасиз, энг эзгу туйғуларингизга ҳамроҳ топасиз”.

Олиб борувчи: Суҳбатимизда қатнашганларингиз учун, ташаккур. Хайр, саломат бўлинглар.

“Адабиётшунос, таржимон, устоз Озод Шарафиддиновнинг ижодини биласизми?” мавзуида билимдонлар беллашувини ташкил қилиш учун намунавий савол-жавоблар

1. Озод Шарафиддиновга нечанчи йили “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилган?

(2002 йилда).

2. Озод Шарафиддинов “Жаҳон адабиёти” журналида нечанчи йилдан ва қайси лавозимда иш олиб борган?

(1997 йилдан эътиборан бош муҳаррир лавозимида 2005 йил октябргача ишлаган).

3. Озод Шарафиддиновнинг 1968 йили қайси китоби нашр қилинган?

(Адабий этюдлар).

4. Озод Шарафиддиновнинг “Адабиёт — ҳаёт дарслиги” асари нечанчи йили нашр қилинган?

(1980 йил).

5. Озод Шарафиддиновнинг қайси китоби ижодининг чўққиси ҳисобланади ва у нечанчи йили ёзилган?

(“Ижодни англаш бахти”, 2004 йил).

6. Озод Шарафиддиновнинг “Маънавий камолот йўлларида” китобида қайси шоир ва ёзувчиларнинг ижодлари янгича таҳлил этилган?

(Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода ва Отажон Ҳошимовларнинг).

7. Озод Шарафиддиновнинг ўзбек шеърляти, насри ва танқидчилигининг муҳим муаммоларини ёритган асарларини биласизми?

(“Биринчи мўъжиза”, “Талант — халқ мулки” (1979), “Адабиёт ҳаёт дарслиги”, “Ҳаёт билан ҳамнафас”).

8. Озод Шарафиддинов чет эл ёзувчи ва шоирларидан кимларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган?

(Л.Толстойнинг “Иқрорнома”, П.Козьонинг “Кимёгар”, А.Севиланинг “Тўхтатинг самолётни, тушиб қоламан” ва бошқалар).

9. Озод Шарафиддинов “Буюк хизматлари учун” ордени билан нечанчи йили мукофотланган?

(1999 йилда).

10. Озод Шарафиддиновнинг фарзандлари нечта?

(3 нафар)

11. «Адабиётшунос олимлар ичида ёш бўлишига қарамай, жиддий фикр юрита оладиган, мустақил фикр ва жасоратга эга Озоддан умид қилсак бўлади, талантли олим» деб қайси ёзувчи таъриф берган?

(Абдулла Қаҳҳор).

12. 1968 йили 20-йилларда яшаб ўтган адабиётимиз тарихидан бир пайтлар суриб чиқарилган 40 дан ортиқ шоир асарларидан тузилган мажмуа “Тирик сатрлар” чоп этилган. Ушбу асарни чоп этишда Озод Шарафиддинов қандай вазифани бажарган?

(Муҳаррирлик).

13. Озод Шарафиддинов туғилиб ўсган маскан?

(Қўқон шаҳри, Охунқайнар қишлоғи).

14. Шоирнинг мунаққидлик фаолиятида нечта давр кўзга ташланади?

(2 та).

15. Озод Шарафиддинов нечанчи йили “Тафаккур” журналида бош муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлаган?

(1996-1997 йй.)

16. Озод Шарафиддиновнинг илк танқидчиси ким бўлган?

(Шарофат Қўшбоева, турмуш ўртоғи).

17. Машҳур танқидчи ва адабиётшунос, таниқли жамоат арбоби профессор Озод Шарафиддинов фаолиятининг мазмун моҳиятини адолат манфаати ва шу йўлда олиб борилган кураш ташкил этади, деса тўғри бўлади. Бу таърифни қайси ёзувчи берган?

(Бегали Қосимов).

18. Озод Шарафиддиновнинг ҳовлисига келган меҳмонлар қандай нарсадан ҳайратланганлар?

(Кўпчиликни ҳайратга қолдирган нарса у кишининг кутубхонаси бўлган).

19. Озод Шарафиддинов шундай дейди “Агар Оллоҳ менга озгина яна умр берганда эди ҳақида ёзар эдим”. Ёзувчи қайси шоирни назарда тутган?

(Ойбек ҳақида).

20. “Мен энг огир кунларимни адоғи кўринмайдиган огриқларнида ўтказдим” деб қаерни назарда тутган?

(Касалхона).

21. Озод Шарафиддинов бошчилигида “Жаҳон адабиёти” журналининг нечта сони чоп этилган?

(100 та)

22. Санжар Содикнинг “Ижоднинг ўттиз лаҳзаси” адабий-танқидий мақолалардан иборат асарида Озод Шарафиддинов ижодига бағишланган мақолани биласизми?

(“Жилолар жозибаси”)

23. Озод Шарафиддинов қачон вафот этганлар?

(2005 йил 4 октябрь, муборак моҳи рамазоннинг биринчи куниди)

24. “Истеъдод ва эътиқод”(Озод Шарафиддиновнинг адабий портрети) асарининг муаллифи ким?

(Профессор Абдуғафур Расулов)

25. Санжар Содикнинг устози Озод Шарафиддинов ҳақида ёзган энг охирги китобининг номи нима?

(“Мўъжизалар мўъжизаси ” Озод Шарафиддинов портретига чизгилар)

26. Оҳ уриб ҳар ёнда изғийди шамол,
Замон макон бермай уни қистайди.
Орзуси фақат шул — у ҳам тоғ мисол
Дили ором олиб ётмоқ истайди.

Асоратда инграр тоғлар ҳам аммо,
Қўҳи замонадан тополмай илож.
Армон қилар у ҳам: шамолдай гўё
Мовий кенгликларда ёзсам, дер қулоч.

Озод Шарафиддиновга бағишланган ушбу шеърнинг муаллифи ким ва унинг номини айтинг?

(Абдулла Орипов, “Мувашишаҳ”)

27. Олим спортнинг қайси турини яхши кўрар ва зўр ўйнар эдилар?

(Шахматни)

28. Буюклик нимадир, айтинг, нимадир,
Балки у ғамларга сабр-тоқатда?
Йўқ, асл буюклик бир вақт кимгадир
Қилинган беминнат меҳр-шавқатда!

Буюклик нимадир, айтинг нима у,
Балки дўстга ўзни фидо қилмоқдир?
Йўқ, асл буюклик — аҳд қилса эзгу,
Хатто ганимни ҳам алқай билмоқдир!

Буюклик нимадир, унда не мазмун,
Балки у ёлғондан тонмоқдир фақат?
Йўқ, асл буюклик ҳақиқат учун
Умр давомида ёнмоқдир фақат!

Озод Шарафиддиновга бағишланган ушбу шеър нима деб аталади? Унинг муаллифи ким?

(“Буюклик”, *Мирнўлат Мирзо*)

“Истеъдод ва эътиқод” номли китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган барча тадбирларни тўлдиради.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади.

1. Адабиёт — ҳаёт дарслиги

Озод Шарафиддинов адабиёт илмига, аниқроқ қилиб айтсак, адабий танқидчиликка ёниб кирди ва ҳозиргача у мана шу фазилатни сақлаб қолди. Унда ҳақиқат руҳи, демократик руҳ, эркинлик руҳи кучли.

Абдулла Қаҳҳор

Мазкур бўлимдан Озод Шарафиддиновнинг адабиётшунослик ва танқидчиликка оид китоблари жой олади.

2. Тафаккур ёғдуси

Одамларни одам қиладиган, жамиятни жамият қиладиган қудрат — виждон, инсоф, диёнат, адолат ва ҳақиқатнинг барқарорлиги.

Озод Шарафиддинов

Бу бўлимга Озод Шарафиддиновнинг вақтли ва даврий нашрларда эълон қилинган мақолалари жойлаштирилади.

3. Жилолар жозибаси

Озод Шарафиддинов деганда, авваламбор, кўз олдимизга худо берган истеъдод соҳиби келади. У мана шу бетакрор қобилятини аниқ тарихий мақсадларга йўналтира олди.

Абдулла Орипов

Ушбу бўлимга ижодкор таржима қилган асарлар қўйилади.

4. Беназир устоз

Адабиётшунос олимлар ичида ёш бўлишига қарамай, жиддий фикр юрита оладиган, мустақил фикр ва жасоратга эга Озоддан адабиёт умид қилса бўлади, ноёб талантили олим.

Абдулла Қаҳҳор

Ушбу бўлимда устознинг ижоди ва ҳаётига бағишлаб ёзилган китоблар жойлаштирилади.

Адабиётлар

Абдуллаев О. Умр китоби: «Ижодни англаш бахти» китобини ўқиб // Ўзбекистон овози.— 2004.— 21 окт.

Абдумажидов Ф. Ҳамиша навқирон // Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида.—Т.: Ўзбекистон, 2007.—Б.61-67.

Алиев А. Хотира китоби // Тошкент оқшоми.—2007.—5 дек.

Аъзамов А. Эзгулик эътиқоди // Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида.—Т.: Ўзбекистон, 2007.—Б.186-193.

Аъзамов А. Озод домла формулалари: «Ижодни англаш бахти» китобини ўқиб. //Тафаккур.— 2004.— №3.

Бозорбоева Ш. Олим замондошлари нигоҳида // Жамият.—2007.—14 дек.

Воҳидов Э. Устоз сийратига чизгилар // Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида.—Т.: Ўзбекистон, 2007.—Б.13-16.

Говинда Рам. Отадай меҳрибон инсон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.—2006.—28 апр.

Дадахон Нурий. Закийлик // Ҳуррият.—2007.—18 апр.

Ёқубов О. Маслаҳатгўйимиз эди // Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида.—Т.: Ўзбекистон, 2007.—Б.17-19.

Ёқубов О. Иродасига қойил қолганман // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.—2009.— 23 янв.

Жабборов Н. Дилидаги тилида эди: Озод Шарафиддинов таваллудининг 80 йиллиги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.—2009.—30 янв.

Маткаримова Д. «Довондаги ўйлар» (О.Шарафиддиновнинг шу номли китоби ҳақида) //Қишлоқ ҳаёти.—2004.—21 дек.

Мирзажонов М. Шогирдлик эҳтироми // Бир сафда.— 2008.—№1.— Б.28-30

Мусажонов Ф. Озод акага айтар гапим бор: Юбилейдан кейинги ўйлар // Ҳуррият.— 1999.— 16 июнь.

Мўминова М. Бир-бирига ўхшамаган фикрлар // Маърифат.—2007.—3 нояб.

Норматов У. Шижоатлар силсиласи //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.— 2002.— 30 авг.

Норматов У. Ярим аср порлаган маёқ (Эссе) // Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида.—Т.: Ўзбекистон, 2007.—Б.36-50.

Орипов А. Юксакка чорловчи эътиқод // Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида.—Т.: Ўзбекистон, 2007.—Б.3-8.

Панжиев Х. Ибрат олами // Sanam.—2007.—№1.—Б.12-13.

Пирматов Қ. Меҳрибон инсон // Jahon adabiyoti.—2006.—№10.—Б.148-152.

Пирматов Қ. Устоз ибрати: Қалб ва қиёфа //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.— 2004.— 26 март.

Расулов А. Ижод чўққиси («Довондаги ўйлар» китобига тақриз) //Халқ сўзи.— 2004.— 24 дек.

Расулов А. Истеъдод ва эътақод: Озод Шарафиддиновнинг адабий портрети.— Т.: Шарқ, 2000.—208 б.

Расулов А. Тафаккур ёғдуси («Ижодни англаш бахти» китоби ҳақида) //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.—2004.—25 июнь.

Расулов А. Ҳақиқатпараст // Озод Шарафиддинов замондошлари хоти-расида.-Т.: Ўзбекистон, 2007.-Б.94-102.

Расулов А., Шарипов Р. Чўлпонни англаш бахти //Адолат.— 1999.— 16 апр.

Раҳматуллаева И. Соғинчга айланган ҳаёт //Hurriyat.-2008.-27 фев.

Сайд Аҳмад. Китобсевар, китобсуяр ва китобсўярлар тўғрисида дoston / / Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида.-Т.: Ўзбекистон, 2007.-Б.9-12.

Содиқ Санжар. Ақл чироғи // Шарқ юлдузи.-2007.-№ 4.-Б.136-143.

Содиқ Санжар. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси: Адабий-танқидий мақолалар.-Т.: Шарқ, 2005.-320 б.

Тешаев О. Кучли ирода эгаси // Jahon adabiyoti.-2006.-№10.-Б.160-161

Тўлқин Эшбек. Устознинг мангу мактаби // Фидокор.-2006.-3 окт.

Улугов А. Китоблар бахш этган бахт // Озод Шарафиддинов замондош-лари хотирасида.-Т.: Ўзбекистон, 2007.-Б.268-274.

Улугов А. Ёл ардоғидаги олим //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.— 2001.-11 май.

Умаров С. Сардафтардаги сарҳисоб //Ўзбекистон овози.— 2001.-16 авг.

Хуршид Дўстмуҳаммад. Майдон ўртасидаги ҳисоботга тайёرمىсиз? // Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида.-Т.: Ўзбекистон, 2007.-Б.178-185.

Хўжаев Ш. Адабиётшунос олимлар сардори // Озод Шарафиддинов за-мондошлари хотирасида.-Т.: Ўзбекистон, 2007.-Б.68-72.

Шарафиддинова К. Сумалақдан тош топдим // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2006.-20 окт.

Шарафиддинова К. Мен бобомга сўз берганман...// Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида.-Т.: Ўзбекистон, 2007.-Б.297-300.

Шарафиддинова М. Аъло ҳазратнинг ҳасратли кунлари // Маърифат. — 2006.-25 май

Шарафиддинова М. Тафаккур ёғдуси // Jahon adabiyoti.-2006.-№10.-Б.152-157.

Шарафиддинов О. Сўнги жадид қиссаси: [Бегали Қосимов ҳақида] // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2006.-16 июн.

Шарафиддинов О. Тарбия насиҳат қилиш эмас, намуна кўрсатиш: [Ада-биётшунос олим О.Шарафиддинов билан суҳбат] / Шарифа Муроджон қизи суҳбатлашди //Маърифат.-2000-15 янв.

Эркин Аъзам. Пичирлашни билмаган одам // Озод Шарафиддинов за-мондошлари хотирасида.-Т.: Ўзбекистон, 2007.-Б.170-176.

Қўшжонов М. Мунаққид салоҳияти...// Озод Шарафиддинов замондош-лари хотирасида.-Т.: Ўзбекистон, 2007.-Б.25-29.

Қўшжонов М. Адабиётга бағишланган ҳаёт //Миллий тикланиш.— 1999.— 23 март.

Ғофуров И. Матонат ва муҳаббат // Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида.-Т.: Ўзбекистон, 2007.-Б.160-169.

Ҳамроев Ф. Uzoqlashayotgan tog // Тафаккур.-2007.-№1.-Б.92-97.

Ҳорманг, Озод ака!/: таҳририят номидан //Қишлоқ ҳаёти.— 2003.— 27 июнь.

Ҳошимов Ў. Чироқ кўтарган одам // Жаҳон адабиёти.-2005.-№10.-Б.5-8.

Ҳошимов Ў. Устоз чироғи... // Озод Шарафиддинов замондошлари хоти-расида.-Т.: Ўзбекистон, 2007.-Б.73-85.

АДАБИЁТГА БАХШИДА УМР

Методик-библиографик қўлланма

Босишга 24.02.2009 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Ҳажми 2,25 б. т. Нусхаси 300.

Шартнома №

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент, Истиқдол кўчаси, 33.